## «ЁҒЛИ ИШ»НИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Сўнгги бор кўришганларида Нуриддин "битта ёғли иш қиламиз" деди.

— "Семичка ёғи" гаплашиб қўйганман. Шу кунларда қўлга тегади. Сизлар тарафга олиб ўтиб пулласам, анчагина қолади. Сизни ҳам қуруқ қўймайман.

10 бет

## ОДОБ БОЗОРДА СОТИЛМАС

Сув қайси идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби, бола ҳам қандай муҳитда ўсса, ўша муҳитнинг одат ва ахлоқини қабул қилади. Болалар яхши ва ёмон хулқни кўпроқ ўз уйидан, мактабидан, кўчадагилардан ўзлаштиради. Шундай экан, тарбия борасида рулдаги ҳайдовчидек ҳушёр бўлмоғимиз лозим.

12 бет


Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 11-iyun, № 24 (649)


**БОШ ПРОКУРАТУРАДА**

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди. Комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров бошқарган мазкур йиғилишда республикада вояга етмаганларни оммавий спортга жалб қилиш, уларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини юксалтириш ҳамда бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.**



## Комиссия йиғилиши

Таъкидланганидек, 6,2 миллион нафар мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари ҳамда қишлоқ жойларида яшовчи болаларнинг 35 фоизи мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб келмоқда. Ўтган йили 422 та, шу жумладан, қишлоқ жойларида 336 та спорт иншоотлари янгидан қурилди, 287 таси капитал таъмирланди, 128 таси реконструкция қилинди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида охирги икки йилда 5600 дан зиёд оммавий спорт тадбирлари ўтказилиб, уларга 1,2 миллион нафар вояга етмаганлар жалб этилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро вилоятида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни жисмонан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Йиғилишда болаларни спорт билан шуғулланиш зарурлигини англаш руҳида тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, спорт-соғломлаштириш муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, спорт клубларининг иш фаолиятини кенгайтириш ва бу борада ҳар йиллик прогнозларни шакллантириш, хорижий мамлакатларнинг спортни ривожлантириш борасидаги илғор тажрибаларини ўрганиб, амалиётга жорий қилиш, спорт муассасаларининг моддий-техника базасини янгилаб бориш лозимлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Маданият ва спорт ишлари вазири, комиссия аъзоси А.Жабборовнинг ҳисоботи эшитилди.

Шунингдек, мажлисда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, кўриб чиқилган масала бўйича ҳудудий комиссиялар ва тегишли муассасалар томонидан камчиликларга йўл қўйилаётганлиги танқид остига олиниб, уларни бартараф этиш ҳамда бу борада фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

**(«Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 6 июнь сонидан олинди).**

**АНЖУМАН**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

**Ўтган ҳафта "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасининг мажлислар залида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори томонидан "Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимининг долзарб масалалари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.**

Конференцияда сенатор ва депутатлар, вазирлик ва идоралар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, олий ўқув юртлари, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирда инсон ҳуқуқларини ўқитиш, бу соҳадаги хорижий тажрибани ўрганиш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, Буюк Британия, Россия, АҚШ, Беларус каби мамлакатларда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўқитиш амалиёти ўрганилди. Шу билан бирга хорижий экспертлар Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотларнинг асосий йўналишлари, хусусан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим жараёни билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлдилар. Улар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари изчиллик ва босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги, ўтказилган ислоҳотларнинг туб мақсад-муддаоси инсон ҳуқуқларини таъминлаш эканлигини якдиллик билан таъкидладилар. Хорижий экспертларнинг фикрича, инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида Ўзбекистонда тўпланган тажриба эътирофга сазовор ва халқаро талабларга мос келади.

Ишчанлик руҳида ўтган халқаро илмий-амалий конференция йиғилишининг натижалари бўйича суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари учун инсон ҳуқуқлари таълимига оид аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Бундай тадбирлар инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида миллий моделнинг ўзига хос хусусиятлари, моҳияти ва мазмунини тушунтиришга, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишни янада мустаҳкамлашга кўмак бериши алоҳида таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз**

**ФАОЛИЯТ**

## ТАРАҚҚИЁТ, АВВАЛО КЎНГИЛДА БЎЛСИН!

Туманимиз вилоятнинг энг чекка ҳудудида жойлашган. Қўшни давлатлардан меҳмонлар келиб-кетиб туриши табиий. Тумандаги гузар, маҳалла, кўча ва ҳовлиларни доимо обод қилиб бориш эса бир кунлик, яъни шунчаки тадбир ҳисобланмайди.

2009 йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлари ижроси юзасидан туман ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг туман бўлинмаси ҳамда тумандаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилган ишлар аҳволи текширилди. Бу идоралар томонидан қонунлар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлигини эътироф этиш керак, албатта. Хусусан, туман ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда миллий қадриятларимизга хос эзгу фазилатларни янада юксалтириш ва теварак-атрофни кўкаламзорлаштириш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилган. Жорий йилнинг 14-15 март кунлари туманда умумхалқ ҳашари ўтказилиб, унда 47300 нафар фуқаро, жумладан 28900 нафар ёшлар иштирок этиши таъминланган.

Туман ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан кам таъминланган 81 та оилага 681 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Аммо ушбу идоралар мутасаддилари юқорида қайд қилинган қонун билан белгиланган ваколатларидан кенг ва тўлақонли фойдалана билишмаган. Чунончи, туман марказидаги "Туркистон", "Баҳористон", "Навоий" кўчаларидаги чиқиндилар ўз вақтида олинмаган, кўча четидаги ариқлар тозаланмаган. Бу каби сусткашликлар эса ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти устидан доимий назорат олиб борилмаслигидан далолат беради.

**(Давоми 3-бетда).**

**ЖАРАЁН**

## ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Демократик ҳуқуқий давлат шаклланиши даврида ярашув институти — инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашнинг муҳим кўринишларидан бири ва айни вақтда, жиноят процессида ҳуқуқни тиклаш функциясини амалга оширишнинг самарали шаклларидан биридир. Мазкур ҳуқуқий институт жиноят ҳуқуқининг бошқа институтлари билан биргаликда масалалари олдинги ўринга қўйилган.

Жамият учун ярашув бу — можаролар ва криминал вазиятларнинг бир қисмини одамларнинг ўзларига ҳал этиш учун топшириш, тинч йўл билан ҳал этиш учун қайтариш ва одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишлари, фуқароларнинг бўлиб ўтган воқеалар юзасидан баҳо беришлари, ҳақиқатни ўрнатиш, узвий ривожланишда бўлиб келган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ярашув институти нормаларининг илк элементлари қадимги қулдорлик ва антик даврларда шаклланганлигини кўрамиз. Мамлакатимизда Ислом дини кириб келгунга қадар ярашув институтини қўллаш билан боғлиқ бўлган муносабатлар асосан зардуштийларнинг муқаддас "Авесто" китоби қоидалари асосида ҳал қилинган. Мазкур қоидаларни таҳлили шуни кўрсатадики, бу хилдаги нормаларни қўллашда жиноят содир қилган шахсни ахлоқан тузатиш ва етказилган зарарни қоплаш судларни эса унча муҳим бўлмаган ишлардан озод этишдир. Буларнинг барчаси судларнинг эътиборини жуда муҳим ва жиддий ишларга қаратишга, энг муҳими, ходимларнинг иш вақтини тежаш ва одил судловни амалга оширишда харажатларни қисқартириш имконини беради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, муайян жиноятларни содир этишда гумон қилинган шахс, айбланувчи ва судланувчининг иш бўйича жабрланувчи билан ярашуви тергов-суд амалиётида доимо ижобий баҳоланган.

**(Давоми 3-бетда).**

*Ҳарбий хизматни адо этиш эр йигитда нафақат жисмоний етуклик ва жанговар кўникма, балки маънавий баркамоллик, ўзига ишонч туйғуси, мустақил фикрлаш, қатъият ва собитлик каби эзгу фазилатларни ҳам шакллантиради. Шу боис бугун катта қувонч билан ўз миллий армиямиз сафларида йигитлик бурчини адо этаётган ўғлонларимиз келажак ҳаёт йўлларига муҳим пойдевор, яъни тамал тоши қўйишмоқда, десак хато бўлмайди.*



# Янги чақирув

Юртбошимизнинг "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" рисоласида шундай дейилади: "Армия сафларида ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақлзаковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим".

Миллий армия сафларида хизмат қилаётган ҳар бир ўғлон ўзини Ватан тақдирига масъул, тақдири у билан чамбарчас боғлиқ эканини теран англаб олиши лозим. Бунинг учун албатта, маънавий тарбия ишлари юксак даражада ташкиллаштирилган, йўлга қўйилган бўлмоғи даркор.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳарбий хизматга бориш, Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этишдек бахтга ёшларимиз ғурур билан интилиб келмоқдалар. Айрим ёшларимиз билан чақирув жараёнларида суҳбатлашганимизда улар ҳарбий хизматга бориш, акалари, дўстлари сингари ҳарбий либос кийиш, Ватанни, халқини, яқинларини, ота-онасини ҳимоя қилишдек шарафли бахтга эга бўлиш тўғрисида кўплаб фикрлар билдиришади.

Албатта давлатимиз раҳбарияти томонидан ўз ўрнида узлуксиз Ватанимизда ҳарбий хавфсизликни таъминлашга қодир, ички ва ташқи, трансчегаравий ҳарбий таҳдидларга қарши курашиш салоҳияти юқори, замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғлар билан таъминланган кам сонли миллий армиямизни шакллантиришга қаратилган тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий ва сафарбарлик жиҳатдан тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган Президентимизнинг "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони 2008 йил 20 ноябрь куни матбуотда эълон қилинди.

Мазкур Фармонга асосан фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йилига икки марта чақиришдан иборат совет тизимидан қолган ва муддатли ҳарбий хизматчиларга ҳарбий мутахассислик сирларини ўрганишга қийинчилик туғдирадиган одатга барҳам берилиб, юртимизда 2009 йилдан бошлаб фуқароларни Қуролли Кучлар таркибига муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта - февраль-март ойларида чақириш ва белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни захирага март-апрель ойларида бўшатиш тартиби жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ходимлари томонидан мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, ҳарбий хизматга йилига бир маротаба чақиришнинг ва ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларимизни захирага бўшатишнинг афзал томонлари чуқур ўрганилиб, чақирилувчи ёшларимиз ўртасида кенг тушунтиришлар олиб борилмоқда. Бу борада жойлардаги мудофаа ишлари, ҳарбий қисм ва муассасалар қўмондонликлари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шуни айтиш жоизки, бу йил ҳарбий хизматга ёшларимизни чақириш уларни белгиланган ҳарбий қисмларга етказиб бориш, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларимизни кутиб олиш тадбирлари масъул ходимлар томонидан кўтаринки руҳда ўтказилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, муқаддас бурч бўлган Ватанни ҳимоя қилишдек вазифани бажараётган муддатли ҳарбий хизматчиларнинг миллий армиямиз сафида ўтган даври улар ҳаётида жисмоний ва маънавий камол топиши, Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоясига шай туриш руҳида қатъиятли, ҳақиқий йигитлар бўлиб шаклланиш даври сифатида эсга олинишига ҳеч ким шубҳа билан қарамайди.

Дарҳақиқат, армиянинг қудрати кучли замонавий техника ва қурол-яроғларга эга бўлиш билан бир қаторда унда хизмат қилаётган инсонларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

**Бахтиёр МИРМАҲМУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси**

# ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Узоқ йиллар давомида жиноят-процессуал қонунчилигида амалда бўлган хусусий айблов деб номланган бир қанча жиноят ишлари фақат жабрланувчи ва унинг қонуний вакиллари шикоят аризаси берган тақдирда қўзғатилган ҳамда улар ўз аризаларидан воз кечганларида тугатилган. Бундай жиноят ишлари бўйича айбланувчи ва судланувчининг қисмати батамом жабрланувчининг фикрига боғлиқ бўлган. Албатта, жабрланувчи жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатмаслик ёхуд тугатиш-тугатмаслик масаласини ҳал этишда, асосан, ўз рақибининг феъл-атвори, узр сўраши, етказган зарарни қоплаши каби ҳолатларни инобатга олган. Лекин айбланувчи жабрланувчи билан ярашмаган, ҳатто унга эълон қилинган айбга иқрор бўлмаган ҳолларда ҳам жабрланувчи айбловдан воз кечишга ҳақли эди.

Инсон ҳуқуқларининг қадр-қимматини таъминлаш борасида суд тизимини ҳамда жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни ислоҳ қилиш жамиятимиз тараққиётида ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, миллий маънавиятимиздаги энг ажойиб хусусият — ҳаётнинг барча мушкулотларини кечиримлилик ва ярашув йўли билан ҳал қилишдир. Гина, хусумат, адоват барча замонларда қораланган . Агар шахс биринчи марта жиноят содир этган бўлса ва айбига иқрор бўлиб, зарарни тўлиқ қопласа, чин дилдан пушаймон бўлиб кечирим сўраса, жабрланувчи унинг қилмишини кечириб, ярашиш истагини билдирса, албатта икки томон ютади.

Ярашув институтига оид жиноят қонунчилигидаги нормалар жорий қилингандан кейин ўтган қисқа вақт, яъни 8 йил мобайнида 88 минг нафарга яқин шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинди, жабрланувчига етказилган 17 миллиард сўмлик моддий зарар айбдорлар томонидан ихтиёрий равишда қопланди, 80 минг нафардан ортиқ шахс "судланган" деган тамғадан озод бўлди .

Бундан ижобий ўзгаришлар жиноят қонунчилигида ярашув институти имкониятларидан янада самарали фойдаланишни, ярашув институти нормаларини қўллаш билан боғлиқ бўлган жараёнда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларидан мазкур институтнинг ижобий томонларини фуқароларга тушунтириш бўйича кенг миқёсда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Бу инсонпарварлик тамойилининг тўғри қўлланилиши билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган кишиларга ҳар бир қадамини ўйлаб босиш, қилмишларини обдон ўйлаш, тўғри йўлга тушиб олиш имконини беради.

**Зокиржон ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Қарши ҳарбий прокурори**

# ТАРАҚҚИЁТ, АВВАЛО КЎНГИЛДА БЎЛСИН!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари 2008 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, кўп болали, муҳтож оилаларга нафақа тайинлаш масалаларини ҳал этиш, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланмаганлиги сабабли жиддий қонунбузилиши ҳолатлари келиб чиққан. Жумладан, 2008 йилда нафақаларни тўғри тайинлаш ва тўлаш бўйича молия бўлимлари ходимлари текширишлар ўтказганда 62 ҳолатда 1 млн. 467 минг сўм нотўғри тўлангани аниқланган. Жорий йилнинг ўтган 2 ойида эса ўтказилган текширишларда 320 минг 244 сўмлик нафақаларнинг нотўғри тайинланиб тўланишига йўл қўйилганлиги давлат маблағларига бефарқлик дейиш мумкин.

Бундан ташқари, "Маҳалла" хайрия жамғармасида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни ижроси ўрганилганда айрим қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётгани ҳам аниқланди. Жамғармага юқори идоралардан ҳамда бевосита фуқаролар ва юридик шахслардан келган мурожаатларни рўйхатга олиш китоблари рақамланмаган, шунчаки номигагина тутилган, холос. Мазкур Қонунда фуқароларни қабул қилиш белгиланган кун ва соатда, фуқаролар учун қулай вақтда ўтказилиши, қабул жадвали уларнинг эътиборига етказилиши кераклиги белгилаб қўйилган бўлишига қарамасдан жамғарма ходимлари томонидан бу талабларга амал қилинмаяпти. 2008 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида фуқаролар ва юридик шахслардан келиб тушган аризалар бирор марта ҳам умумлаштирилмаганлиги ҳам идора сансалорлик ва бефарқлик кайфияти ҳукм сураётганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун ижроси юзасидан туман ҳокимлиги ва фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси томонидан маҳаллаларда бир мунча ишлар қилинган. Аммо комиссия иш фаолиятида айрим қонунбузилиши ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Жумладан, айрим фуқаролар йиғини раислигига ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган номзодлар сайланмаган. Сайлова номзодларнинг шахси, соғлиғи, яшаш шароити ўз вақтида ўрганилмаган. Оқсоқоллик масъулияти ва ўз тажрибаси тўғрисида етарли тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилмаган.

Сайланган фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқол)нинг асосий вазифаси ўзи раҳбар бўлган маҳаллада яшовчи аҳолининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Аммо тумандаги "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғини раислигига одам савдоси жиноятига аралашиб қолган Ч.Мингбоев сайланганига нима дейсиз?! Мингбоев тумандаги "Телпакчинор" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Тилаков Турдимурод, Жўраев Шуҳрат, тумандаги "Ёшлик" кўчаси 12-уй, 9-хонадонда яшовчи фуқаро Саидова Бахтинисо ва бошқа кўплаб фуқароларни алдов йўли билан ўз тузоғига туширган. "Ҳожатбарор" раис бу содда ва ишонувчан кишиларни: "Ўғлим Россиянинг Тула шаҳрида ишлайди, унга ҳар ой 450-500 АҚШ доллари тўлашади", деб роса лақиллатган. Бу кимса исм-шарифлари санаб ўтилган кишиларнинг олдига тушиб, Тошкентгача келган, кейин уларни Қозоғистон Республикаси орқали ўғли А.Мингбоевнинг ёнига - Тула шаҳрига жўнатган. Ўғли Азамат ўз маҳалладошларини алдаб ишлатишдан ор қилмади. Уларни хўрлашгача бориб, ҳалол иш ҳақларини ҳам ўз жиғилдонига урди. Ушбу ҳолат юзасидан туман ИИБ томонидан А. Мингбоев ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қонунга зид иш тутиш ўзини ҳурмат қилмасликдир. Унинг талабларига бўйсунмаслик жиноят! Ҳаётда ҳалол яшаб умргузаронлик қилаётган нуронийларимиз ҳеч қачон бировнинг ҳақига хиёнат қилмаганлар, аксинча, ҳаром йўл билан топилган луқмадан ҳазар қилишган. Бундай пурмаъно тушунчалар, аввало, дилимизда устувор бўлмоғи керак.

**Б.ЭРГАШЕВ,**
**Узун туман прокурори**

# ҚИНҒИРЛИКДА БАРАКА ЙЎҚ

Давлат ва жамият манфаатларининг уйғунлигига асосланиб қабул қилинган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунлар, Президент қарорлари ишбилармон кишиларга барча шарт-шароитларни ҳавола қилиб, сармояларини ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётни ривожлантиришга сарфлашдан манфаатдор бўлишларини кафолатлади.

Ана шундай имкониятлар моҳиятини тушуниб етган тадбиркор борки, ишбилармонлиги ортидан ҳам ўзига, ҳам эл-юртга наф келтирмоқда. Ўз навбатида давлатимиз томонидан ҳам қонунга таяниб иш кўраётган ана шундай тадбиркорлар қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Аммо мана шундай бир шароитда ҳам давлат ва жамият ишончини суиистеъмол қилишга уринаётган "тадбиркорлар" учраб турғани ачинарли.

Икки йилча олдин ҳамшаҳримиз Комил Зокиров танишлари билан "Solver-Salif" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керак, К.Зокиров ҳаётнинг паст-баландини кўрган, мўмай пул топиш дардида турли кўчаларга кириб кўрганлардан экан. Хуллас, тўрт бора суднинг қора курсисида ўтиришга улгурган К.Зокиров яна бир бор омадини синаб кўрмоқчи бўлди. Аммо қирқ беш ёшни қоралаб ҳам қинғирликда барака йўқлигини англаб етмагани боис, яна ноқонуний ишларга киришиб кетди.

Маълумки, ҳар қандай ишбилармон тадбиркорлик фаолиятини бошлар экан, ўз олдига аниқ мақсад қўяди, қолгани ўзининг ҳаракати-ю матонатига боғлиқ. К.Зокировнинг раҳбарлигидаги "Solver-Salif" МЧЖнинг асосий фаолият тури сифатида қурилиш-таъмирлаш ишлари белгиланган. Шу сабабдан у шу соҳа вакиллари билан мулоқотга киришиб, озми-кўпми танишлар орттирган эди. Ана шундай танишларидан бири унга "Ўзфармсаноат" ДАК тизимидаги Тошкент вакцина ва зардоблар илмий текшириш институти маъмурий биносида таъмирлаш ишлари ўтказилиши ҳақида гапириб қолади.

Бу имкониятни қўлдан бермасликка қарор қилган К.Зокиров айтилган манзилга етиб боради. У ерда "Ўзфармсаноат" ДАК маъмуриятига учрашади. Келишувга кўра, 2007 йил 25 сентябрь куни Тошкент вакцина ва зардоблар илмий текшириш институти маъмурий биносининг том қисмини жорий таъмирлаш учун институт ва "Solver-Salif" МЧЖ ўртасида 7 млн. сўмлик шартнома имзоланади. Шартнома шартларига кўра, ўша йилнинг сентябрь-октябрь ойларида институт томонидан "Solver-Salif" МЧЖ ҳисоб рақамига 6,5 млн. сўм пул ўтказиб берилади.

Маъмурий бино томида таъмирлаш ишлари бошланади.

Шартномага мувофиқ "Solver-Salif" МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказилиши керак бўлган 500 минг сўм эса қарзни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномага асосан институт томонидан "Строй сервис орт" МЧЖга ўтказиб берилган. Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек: шартнома тузилган, пул кўчирилган, иш бошлаб юборилган.

Аммо ҳамма гап қанча миқдорда иш бажарилганида. Буни яхши тушунган "тадбиркор" К.Зокиров ҳужжатларни сохта маълумотлар билан тўлдиришга киришиб кетади.

Бажарилган ишлар ҳажми 3.565.443 сўмни ташкил этгани ҳолда 2007 йилнинг 5 октябрида бажарилган ишларнинг қиймати тўғрисидаги ҳисоб маълумотномага жами 7 млн. сўмлик иш бажарилгани ҳақида сохта ҳужжатларни расмийлаштириб қўяди. Сабаби, у МЧЖ ва институт ўртасида бухгалтерия ҳисоб-китоблари бўйича таққослаб ўтказиш ўрнига аллақачон салкам 3,5 млн. сўмни шериклари билан ўзлаштириб улгуришган эди.

К.Зокиров шу билан "ёпиғлиқ қозон ёпиқлигича қолади" деб хомтама бўлган эди. Мутасадди идора томонидан таъмирлашга сарфланган маблағларнинг ҳаққонийлиги юзасидан ўтказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ҳажмига қўшиб ёзиш ва материалларни ошиқча сарфлаш ҳолатлари аниқланди.

Дастлабки тергов давомида мазкур зарар айбдордан ихтиёрий ундирилган. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг ҳукми билан К.Зокиров қонуний жазосини олди.

"Кўр ҳассасини бир марта йўқотади" деган гап бор. Унинг маъносини ҳамма ҳам тушунавермас экан. Йўқса, атиги бир ярим йил аввал айнан сохта тадбиркорлик айблови билан жазога тортилган К.Зокиров яна шундай ишларга қўл урармиди?

**Тимур НОРМУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси АМИБ терговчиси**

# Заҳри қотил

**XX асрда дунё халқлари мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритиш билан бирга кўпдан-кўп зарарли иллатлардан азият чекди. Янги асрга ўтиб эса турли хилдаги трансмиллий жиноятлар авж ола бошлади. Бугун бу муаммоларга қарши дунё ҳамжамияти қанчалик курашмасин, қайсидир манфаатли томонлар буткул барҳам топмаяпти. Бунинг оқибатидан эса бегуноҳ инсонлар жабр кўрмоқда. Ана шундай аср муаммоларидан бири гиёҳвандликдир.**

**Бу офат қанчадан-қанча оилаларни пароканда этиши, ёшлар ҳаётига ҳам катта путур етказиши барчага маълум. "Заҳри қотил" савдоси билан шуғулланиш, унинг ортидан бойлик топиш, афсуски, айрим кимсаларнинг фаолият турига айланиб қолаётгани ташвишли ҳол.**

Юсуф Абультаров ва Бахтиёр Курбанбаев илгари ҳам судланган. Иккаласи ҳам қилмишига пушаймонлик билдириб, амнистия акти билан жазонинг қолган қисмидан озод этилган эди. Аммо улар озод этилгандан сўнг бирон-бир фойдали меҳнат билан шуғулланишни ўзларига эп кўришмади. "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" деганларидай яна аввалги "иш" билан шуғуллана бошлашди.

Юсуф одатдаги кунларнинг бирида Бахтиёрнинг уйига келди. Дарвоза олдида бироз кутиб, сўнг эшикни тақиллатди. Ичкаридан бўғиқ овоз эшитилди.

— Эшик очиқ. Киравер.

Юсуф овозни эшитиб ичкарига кирди.

— Ке, сенмисан. Қайси шамоллар учирди?

— Ҳа, бир... сизни кўрай дедим-да?

Бахтиёр "азиз" меҳмонни эъзозлаб ўтирғизди. Сўнг гап бошлади.

— Кўринишинг бошқачароқ. Ишларинг яхшими ўзи?

— Ҳа, энди...

— Намунча шиддатинг йўқ. Гапир?!

Ўнғайсизланиб ўтирган Юсуф гап бошлади.

— Ишларим унчамас. Менбоп иш йўқ. Биласиз, қўлимда ҳунарим ҳам йўқ. Шунга..

— Шунга шунчами? Ўзим сенга яхши иш... Мана менинг ишим...

Бахтиёр Юсуфга нималарнидир тушунтириб кетди...

Иккаласи шу зайлда алламаҳалгача гаплашиб ўтиришди. Сўнг Бахтиёр Юсуфни кузатиб қўйди.

Шу келишув асносида икковлон наркотик моддаларни сотиш билан шуғуллана бошлашди. Аммо бундай заҳри қотилни сотиб, мўмай даромад қилишни истаган "ҳамтовоқ"лардан тезда огоҳ бўлинди. Шаҳар ИИБ бўлимига келиб тушган аризага биноан тезкор тадбир ўтказилди. Тадбирда Юсуф Абультаров ва Бахтиёр Курбанбаевлар далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Қинғир иш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Юқорида тилга олинган шахслар атрофдагиларнинг нафратидан бўлак ҳеч вақога эга бўлишмади. Суд жиноий фаолиятини давом эттирган ушбу шахсларга нисбатан ўзининг одилона ҳукмини ўқиди.

**Баҳодир ЭРМАТОВ,**
**Гулистон шаҳар прокурори ўринбосари**

***Бугун дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган, ер юзида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид қилаётган иллатлардан бири терроризм, диний экстремизм ва ақидапарастлик эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Расмий маълумотларга кўра, дунёда 200 дан ортиқ террористик ва яна шунча экстремистик гуруҳлар мавжуд. Жумладан, бизнинг минтақамизда ҳам динни ниқоб қилиб олган экстремистик кучлар ва террорчи тўдалар сохта ғоялар билан ёшларимизни йўлдан оздиришга уринганлари, ҳозир ҳам ғаразли мақсадлари йўлида панапанада ғимирлаб турганлари маълум.***

# ТЕРРОРИЗМ, ЭКСТРЕМИЗМ — ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД

Хўш, бу террорчи тўдалар ва экстремистик оқимлар қаердан пайдо бўлди? Уларнинг асл мақсадлари нима, сохта ғоялар ортида нималар ётибди? Бу саволларга жавоб топиш учун терроризм, экстремизм ва ақидапарастлик тушунчалари моҳиятига назар ташлаш кифоя. Маълумки, бу тушунчалар жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга мос келмайдиган ва уларга зид бўлган ғоялар ва ҳаракатларни ифодалайди. "Террор" — "қўрқитиш", "даҳшатга солиш" маъносини англатади. Ғаразли мақсад йўлида одамлар жонига қасд қилиш, уларни гаровга олиш, ваҳимага солиш ва қўрқитиш, портлатиш сингари ҳаракатлар терроризм кўринишларидан ҳисобланади.

Қандайдир бир йўналишни бузиб талқин қилиш орқали сиёсий мақсад — ҳокимиятни қўлга олишга уриниш эса экстремизмга олиб келади. Терроризм ва экстремизм қандай номланмасин, қандай кўринишга эга бўлмасин уларнинг асосий мақсади жангари гуруҳларни шакллантириш орқали ҳокимият тепасига келишдан иборатдир.

Минтақамизда диний экстремизм ва ақидапарастлик тушунчаси аллақачон том маънода ҳокимият ёки бошқа бирор ғаразли мақсад учун курашувчи ижтимоий сиёсий гуруҳ ва оқимларга тегишли бўлиб қолган. Диний экстремизм ўзининг икки хусусияти билан ажралиб туради:

— Уларнинг ақидаларига кўра, гўё барча ҳозирги замон мусулмон жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва жоҳилият (исломдан аввалги) асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув ҳукумат ва унинг сиёсатини танқид қилишга асос бўлиб хизмат қилади;

— Улар гўё фақат ўзлари "ҳақиқий мусулмонлар", яъни улар ўзлари ҳокимият тепасига келгач, барпо бўлажак "исломий тартибни" ўрнатиш учун кескин ва агрессив ҳаракат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар. Бу эса очиқдан очиқ террор ва экстремизмнинг асосидир.

Аслида экстремизм ва ақидапарастлик ғояларининг мақсади диний қадриятларни қайта тиклаш эмас. Аксинча, диндан жозибали ғоя сифатида фойдаланиб, ғаразли мақсадларига ниқоб қилган ҳолда диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш, охир-оқибатда эса ҳокимиятни қўлга киритишдир.

Бугун жаҳон тараққийпарвар халқлари, сиёсатшунос олимлар террорчи ва экстремистик оқимларнинг пайдо бўлиши аслида айрим қудратли давлатларнинг геополитик сиёсати оқибати эканлигини очиқ эътироф этмоқдалар.

Ҳақиқатдан ҳам Юртбошимиз ўз асарларида кўп бора таъкидлаганларидек, айрим давлатлар ўз геополитик манфаатларини ҳимоя қилиш, таъсир доираларини кучайтириш мақсадида катта мафкуравий кучга эга бўлган ғоявий марказлар имкониятларидан кенг фойдаланмоқдалар. Оқибатда турли минтақаларда, жумладан бизнинг Марказий Осиё минтақамизда ҳам ёш мустақил давлатлар мустақиллиги ва барқарорлигига, одамлар, айниқса ёшлар қалби ва онгини эгаллашга қаратилган мафкуравий таҳдидлар кучайиб кетди. Бироқ бу манфур оқимлар ўз ғаразли мақсадларини қанчалик ниқобламасинлар разил мақсадларига эриша олмадилар. Зеро, президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, "Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди".

Шу боис биз учун муқаддас бўлган динимизни ниқоб қилиб олган ҳолда бузғунчилик ва террор орқали ўз мақсадига эриша олмаган экстремистик кучлар ва террорчи тўдалар бугун ўз ҳаракатларини янада пухтароқ ниқоблашга уринмоқдалар. Хусусан, улар сўнгги пайтларда дўстлик, диндошлик, миллатдошлик тушунчаларини кўпроқ ишга солаяптилар. Керак бўлганда моддий ёрдамни кучайтиришга, ўзларини меҳрибон, инсонпарвар қилиб кўрсатишга уринаяптилар. Ёшларимизни исломий адабиётлар билан таъминлаш, ҳужраларда ўқитишни зиммаларига олишга интилаяптилар. Аммо, уларнинг бу жозибали ва сийқа усули ҳам разил ниятларини яшира олмаяпти. Ўзларини "ҳақиқий диндор", "ҳақиқий мусулмон" деб баҳоловчи бу кимсалар вақти-вақти билан ўзларининг асл башараларини, разил ниятларини намоён қилиб қўймоқдалар.

Шунинг учун ҳам биз янада огоҳ бўлишимиз, мафкуравий-ғоявий тарбия, тарғибот чораларини кучайтиришимиз ва самарадорлигини оширишимиз зарур бўлади. Кейинги йилларда бу борада бир қатор ижобий натижаларга эришдик. Жумладан, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар каби бизнинг тармоқ прокуратурамизда ҳам диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик тадбирлар, тарғибот ишлари кучайтирилди. Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида тармоқ корхона ва ташкилотларида, назорат ости ҳудуди аҳоли истиқомат жойларида, мактаб, коллеж ва бошқа ўқув юртларида 100 дан ортиқ учрашувлар, суҳбатлар ва семинар-тренинглар ўтказилди. Бу учрашувларда ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар, дин уламолари, меҳнат фахрийлари иштирок этиб, ёшларга экстремизм ва терроризм оқибатлари ҳақида маълумотлар бердилар.

Аммо, ҳамон ёшларимиз орасида ёт оқим ва ғоялар таъсирига берилиш ҳолатлари учраб турибди. Бу билимсизлик оқибатидир. Агар биз уларнинг онгу шуурини етарли билим билан бойита олсак, маънавиятини бут қила олсак, улар бошқа йўлларга ҳеч қачон кириб кетмайди. Бунинг учун энг аввало биз ҳаммамиз ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз керак. Фақат ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари ёки таълим тизими ходимларигина эмас, балки "Маънавият ва маърифат" марказлари, "Камолот" ёшлар ҳаракати, давлат ва нодавлат ташкилотлари, барча сиёсий партиялар ҳамжиҳатликда мафкуравий-ғоявий ишларни жонлантиришимиз, унинг ҳар бир маҳалла, мактаб, ўқув юрти, оилага кириб боришига эришишимиз зарур.

Ёшларимизга биз дунёвий давлат, фуқаролик жамияти барпо этаётганимизни, аммо мамлакатимизда барча динлар равнақи ва ривожи учун лозим бўлган шарт-шароитлар мавжудлигини теран тушунтиришимиз лозим.

Демак, фуқаролар, айниқса ёшларимизда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мафкуравий тарбиянинг, тарғиботнинг муҳим шарти эканлигини ҳамиша ёдимизда тутишимиз зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тинчлик, тотувлик ва ижтимоий сиёсий ҳаётимиздаги барқарорлик халқимизнинг энг катта ютуғи бўлиб, у бутун эътиборни, куч-ғайратни туб ислоҳотларни муваффақиятли олиб боришга қаратиш имкониятини бермоқда. Шундай экан, ана шу барқарорлик, тинчликни асраш, улар учун мустаҳкам замин яратиш ва ҳамиша огоҳ бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Ҳамиджон МАҲМУДОВ,**
**Фарғона транспорт прокуратураси терговчиси лавозимида иш ўрганувчи**

**Бугунги кунда фермер хўжаликлари том маънода қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ва самарали ривожлантирадиган ҳаракатлантирувчи кучга, янада аниқроғи, бу йўналишнинг локомотивига айланди. Бу соҳада бозор инфратузилмаси амалда қайта тузилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва рағбатлантириш сифат жиҳатидан янги тамойиллар асосига қурилди, Кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45 фоиздан ортиб бораётгани ва у мамлакатимиз иқтисодиётидаги етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарур маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, фуқароларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилига айлангани эътиборга сазовордир.**

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ энг долзарб ва ҳал қилувчи вазифаларга айланди, шу маънода фермер хўжаликларида меҳнат муносабатлари долзарб аҳамият касб этади. Фермер хўжалигида меҳнат муносабатлари бу меҳнат қонунлари ва меҳнат муносабатлари каби икки ижтимоий воқеликнинг маҳсули саналади. Меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг ўрнатилиши бир томондан ходимнинг, иккинчи томондан иш берувчининг меҳнат жараёнидаги амалий фаолиятларини тартибга солишдан иборатдир. Бу амалий фаолият меҳнат шартномасини тузиш, меҳнат шароитларини таъминлаш ва ҳоказолардан иборат бўлиб, меҳнат муносабатлари мазмунининг моддий томонини ташкил этади.

Фермер хўжалигида меҳнат муносабатлари меҳнат шартномаси тузилган вақтдан бошлаб юзага келади. Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувга асосланади.

Фермер хўжалигининг фаолияти кўпроқ хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Фермер хўжалигидаги ишларни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида жалб этилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномасини тузиш тартиби қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Фермер хўжалигидаги иш тартибини хўжалик бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, тарафларнинг келишувига биноан пул тарзида ҳам, натура тариқасида ҳам амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси асосида фермер хўжалигида ишлаётган шахс хўжалик мол-мулкига фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан пул ёки бошқа хил улушни киритишга ҳамда қўшган улушига мутаносиб равишда хўжалик даромади (фойдаси) тақсимотида қатнашишга ҳақлидир.

Фермер хўжалигининг аъзолари, шунингдек хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим. Фермер хўжалигида ишланган вақт давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида меҳнат стажига қўшиб борилади. Фермер хўжалигининг аъзолари ҳамда хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларга ижтимоий суғурта бўйича давлат нафақалари ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

Меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида, башарти бу қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бўлса, меҳнат шартномалари тузиши мумкин. Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар.

Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритиш фермер хўжалиги раҳбари томонидан ташкил этилади. Фермер хўжалигида ишланган вақт меҳнат стажига қўшилиб боради. Бундай хўжаликда ишловчиларга ижтимоий суғурта нафақалари ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш масаласи эса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси асосида фермер хўжалигида ишлаётган шахс хўжалик мол-мулкига фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан пул ёки бошқа хил улушни киритишга ҳамда қўшган улушига мутаносиб равишда хўжалик даромади (фойдаси) тақсимотида қатнашишга ҳақлидир.

Юқорида келтирилган қоидалардан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида меҳнат муносабатларининг иштирокчилари ўртасидаги муносабат ўзаро тенглик ва ҳурмат асосида шакллантирилади. Аммо бугунги кунда иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатларини назорат қилиш ва таъминлаш фуқароларимизнинг меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш, ҳуқуқий саводхонлигининг нечоғлик юқорилигига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

**Отабек СУЛТОНАЛИЕВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

# ШАРТИГА ЭЪТИБОР ҚИЛИНГ

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг аксарияти ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш ёки бошқа корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан савдо қилиш орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келадилар. Бу соҳада эса кўпинча ўзаро муносабатлар олди-сотди шартномалар асосида олиб борилади. Бу каби шартномалар қанчалик пухта тайёрланган бўлса, шартнома ижро этилишида тарафларининг манфаатлари шунчалик тўлақонли таъминланишига ва таваккалчилик даражасини камайтиришга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 386-моддасига мувофиқ, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномаси бошқа турдаги шартномалар каби шартнома предмети, етказиб бериладиган товарнинг миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизитларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Амалиётда эса, баъзан бу каби шартномавий муносабатларга киришган тарафлар шартнома шартларига лозим даражада эътибор қаратмайдилар. Масалан, "Бунёд" фермер хўжалиги "Маштраксервистранс" масъулияти чекланган жамиятидан МТЗ-82 русумли трактор сотиб олиш мақсадида 2006 йил 27 ноябрь куни 28 млн. сўмлик олди-сотди шартномасини тузган. Мазкур шартноманинг 2.2-бандида "Шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 банк куни ичида "Сотиб олувчи" маҳсулотнинг 100 фоиз қийматини олдиндан "Сотувчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиши кўрсатилган бўлса-да, "Бунёд" фермер хўжалиги томонидан 2006 йил 11 декабрда 21 млн. 600 минг сўмни, қолган 6 млн. 400 минг сўмни 5 ойдан кейин ўтказилган. "Бунёд" фермер хўжалиги шартнома мажбуриятларини кечиктириб амалга оширганлиги, яъни лозим даражада бажармаганлиги сабабли "Маштраксервистранс" МЧЖ томонидан маҳсулот етказиб берилмаган. Бунга асос сифатида шартноманинг 7.2-бандида назарда тутилган қуйидаги шарт киритилганлигидир: "Агар пул ўтказиш шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган муддатларда бажарилмаса, "Сотувчи" бу муддатни 10 календар кунига узайтиради. Бу муддатда ҳам "Сотувчи"нинг ҳисоб рақамига пул келиб тушмаса, "Сотувчи" томонидан бир томонлама бекор қилинган деб ҳисобланади". Агар ушбу шартлар бўлмаганида "Сотиб олувчи" олдиндан пул ўтказган тақдирда хоҳлаган вақтда маҳсулотнинг етказиб берилишини талаб қилиши имконини берарди. Бунда маҳсулотнинг таннархи ўсиши ҳисобига "Сотувчи" иқтисодий зарар кўриши мумкин эди.

Шу ўринда бир ҳолатни унутмаслик лозим: эркин нархлар шаклланиши ва бозор иқтисодиёти шароитида олди-сотди шартномаларида мажбуриятларни бажариш муддатларини белгилаш ва уларга амал қилиш муҳим аҳамиятта эга. Чунки шартнома бўйича ўз вақтида амалга оширилган тўлов ёки етказиб берилган маҳсулот тарафларнинг кўзлаган фойдаси учун хизмат қилади.

Умуман олганда, ҳар бир шартномада мажбурий ва тавсиявий характердаги ҳуқуқий мезонлар ўз ифодасини топиши учун шартномалар матни тажрибали ҳуқуқшунослар томонидан ўрганилишини тақозо этади. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги олди-сотди шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади. Шундай экан, тадбиркор олди-сотди шартномаларини тузиш ёки бажариш жараёнида ҳуқуқшунос хизматидан кенг фойдаланиши зарур.

**Даврон МАҚСУДОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

# *ФУҚАРОЛАР ХИЗМАТИДА*

Ҳуқуқий-демократик давлат ва бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамияти қуришда нотариат ва ФҲДЁ идоралари муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришда айнан нотариат ва ФҲДЁ идоралари муҳим рол ўйнайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотлар замирида нотариат ва ФҲДЁ идоралари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш ҳамда фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини тўлиқ яратиш мақсадида тегишли тартибда бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Нотариат тўғрисида"ги, "Гаров тўғрисида"ги, "Ипотека тўғрисида"ги Қонунлар, "Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги қўлланма, ФҲДЁ соҳасини тартибга солишда эса Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари", "ФҲДЁ органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги Йўриқнома", "ФҲДЁ органлари тўғрисида"ги Низом ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ўзаро келишув асосида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришаётган томонларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган ва қонунда соддалаштирилган тартиб асосида бу муносабатларни расмийлаштирадиган идоралар — нотариат ва ФҲДЁ идораларидир.

"Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги ҳуқуқий институт - хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусни жорий этди ва унинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берди. Эндиликда давлат нотариал идораларининг нотариуслари билан бир қаторда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳам нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлиб, улар ўз фаолиятларида мустақил, бу фаолиятни амалга оширишда амалдаги қонунларга риоя қилишлари ва ўзларини — ўзлари молиявий таъминлашлари лозимлиги белгиланди. Бутун мамлакат ҳудудида ягона нотариал стандартларнинг амал қилиши, нотариал ҳаракат хусусий нотариус ёки давлат нотариал идорасининг нотариуси томонидан амалга оширилишидан қатъи назар, бунинг учун бир хил миқдорда ҳақ тўланиши белгиланди. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга ҳам давлат нотариал идораларининг нотариуслари каби мурожаат қилувчиларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, зарурий маслаҳатлар бериш, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш орқали уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мажбуриятлари юклатилди.

Нотариат ва ФҲДЁ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифати ошиб бормоқда.

Гарчи Нотариат ва ФҲДЁ фаолияти учун етарли ҳуқуқий база яратилган бўлса-да, улар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

— Нотариат ва ФҲДЁ органлари иш фаолиятини яхшилаш, уларни замонавий бино ва жиҳозлар, етарли моддий техник база билан таъминлаш зарур. Чунки, оилада фарзанд туғилганидан унга туғилиш гувоҳномаси, янги оила қурилаётганда, унга никоҳ гувоҳномаси ва ҳаётда бошқа ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарадиган муҳим ҳужжатлар айнан ФҲДЁ органларида қайд этилади ва топширилади. Шунингдек, нотариал идораларда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг турли шакллари тартибга солинади. Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган нотариал фаолият орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинади;

— Барча ФҲДЁ органларини компьютер техникаси билан таъминлаш ҳам муҳим вазифалардан бири бўлиб, ҳозирда ФҲДЁ бўлимлари иш юритувидаги барча ҳужжатлар ва ёзишмаларнинг компьютерда олиб борилиши, далолатнома ёзувлари ва Алфавит китобларининг ягона компьютер базасини шакллантириш, ҳисоботларни интернет тармоғи орқали электрон шаклда юбориш ва барча ФҲДЁ органларини бирлаштирувчи ягона компьютер тармоғини шакллантириш лозим.

Ўзбекистон халқининг Адлия вазирлиги ва унинг тизимидаги адлия бошқармаларига бўлган ишончини оқлашда, адлия тизимига юклатилган вазифаларнинг тўлақонли ижро этилиши, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда жойлардаги ФҲДЁ органларининг ўрни беқиёсдир.

**Зафар ТАИРОВ,**
**Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

# НАФС МАСЪУЛИЯТДАН УСТУН КЕЛСА...

***Холиёр Кўчкинов 2007 йил сентябрь ойидан "Турон пахта" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг раиси лавозимида иш бошлар экан, энг аввало фикр-у хаёлидан нималар кечган эди? Ўзига ишониб топширилган масъулиятли вазифани халққа сидқидилдан хизмат қилишга, иқтисодиётнинг, ишлаб чиқаришнинг янада ривож топишига ҳисса қўшишга чоғланганмиди, ёки... Хуллас, унинг "Турон пахта" ОТҲЖ бошқаруви раиси лавозимидаги хизмат муддати бир йилга ҳам бормади. Демакки, унинг фикр-хаёлида эзгу ният-орзулар деярли бўлмаган деган хулоса чиқариш мумкин... Зеро, у эгаллаб турган вазифасига кўра масъул мансабдор ва моддий жавобгар шахс ҳисобланарди. Бироқ у мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш йўлини тутди.***



Бошқарув раиси курсисига ўтирган куниёқ қаердан, қандай йўл билан шахсий манфаат кўриш мумкинлиги тўғрисида ўйлай бошлаган Холиёр Кўчкинов ишни Бандихон туманида яшаб келган қариндоши, ОТҲЖга қарашли "Пахтакор" пахта қабул қилиш маскани мудири Равшан Қорабоев, шу маскан 2-ҳудуд товаршуноси, Чори Мирзаев, шу пахта қабул қилиш масканида ҳисобчилик қилган Ўрол Қулқораев, шунингдек, ушбу масканда қоровуллик қилиб келган Баҳриддин Ибрагимовлар билан ўзаро тил бириктиришдан бошлади.

2007 йил мобайнида "Пахтакор" пахта қабул қилиш масканига фермер хўжаликларидан аслида 9125.7 тоннага яқин пахта хом ашёси қабул қилиб олинганди. Масканга пахта хом ашёсини топширувчи "Эргаш бобо" фермер хўжалиги (бошлиғи Абдулҳамид Эргашев), "Куз файз барака" фермер хўжалиги (бошлиғи Ибрагим Холматов), "Қувват" фермер хўжалиги (бошлиғи Абдурасул Сафаров), "Деҳқонобод" фермер хўжалиги (бошлиғи Раҳмонқул Холмуротов) ва бошқа фермер хўжалиги раҳбарлари билан жами 280 млн. 629 минг сўмлик 895.8 тонна пахта хом ашёси топширилганлиги ва маскан қабул қилганлиги тўғрисида юк хатлари ва ПК-17 квитанцияларига қўшиб ёздилар. Бунинг эвазига жуда кўп миқдорда моддий манфаатдор бўлишди.

Бу кимсалар "Пахтакор" пахта қабул қилиш масканида жами 10021.5 тонна пахта хом ашёси қабул қилинганлиги тўғрисида сохта маълумотлар тайёрладилар. Шундан "Сурхонпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг 2007 йил 22 ноябрдаги буйруғига кўра "Жарқўрғон пахта" ОТҲЖга 2210.8 тонна ҳамда бирлашманинг 2008 йил 26 февралдаги буйруғига асосан "Шеробод пахта" ОТҲЖга 6131.6 тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаш учун топширганлар.

Ўзлари томонидан қўшиб ёзилган 895.8 тонна пахта хом ашёсининг 121 тонналик қисмини яшириш мақсадида аслида 783.4 тонна пахта хом ашёсини қайта ишлашга топширган бўлишса-да, лекин қайта ишлаш учун 904.4 тонна пахта берилганлиги ва қайта ишлашда 42.8 тонна, умумий қиймати 4 млн. сўмликдан ортиқ хом ашё меъёрга нисбатан зиёд сарфланганлиги тўғрисидаги сохта маълумотларни ишлаб чиқариш топшириқномаларига киритишган.

Ишлаб чиқарилмаган 65.1 тонна чигит, 13 тонна момиқ ҳамда қайта ишлашга умуман топширилмаган 268.9 млн. сўмлик 774.7 тонна пахта хом ашёсидан камомадга йўл қўйилганлиги тўғрисида маълумотномалар тайёрлайдилар ва сохталаштирилган бу ҳужжатларни "Сурхонпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасига тақдим этадилар.

Натижада жами қўшиб ёзилган пахта хом ашёси учун контрактация шартномаларига кўра давлат бюджетидан "Эргаш бобо", "Куз файз барака", "Қувват", "Деҳқонобод" ва бошқа фермер хўжаликларига жами 280.6 млн. сўмлик тўловларнинг тўланишига эришадилар. Шундай қилиб, жуда кўп миқдордаги ўзганинг мулки талон-торож қилиниб, давлат бюджетига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилган.

"Турон пахта" ОТҲЖ раиси бу билан чекланиб қолмади. ОТҲЖга қарашли "Н.Мирзаев" пахта қабул қилиш маскани мудири Тўлқин Маллаев, масканнинг 2-ҳудуд товаршуноси Саидаҳмад Қароров ҳамда Қумқўрғон туманидаги "Ўроқ Бердиев" фермер хўжалиги бошлиғи Зулфиқор Бердиев, "Маматраим Бахши" фермер хўжалиги бошлиғи Эркин Абдураимов, "Абдували Маматмўминов" фермер хўжалиги бошлиғи Эргаш Мирзаев ва яна олтита фермер хўжаликлари ҳамда тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган бошқа фермер хўжалиги раҳбарлари билан 122.6 млн. сўмлик 302.6 тонна пахта хом ашёси гўё топширилганлиги ва маскан уни қабул қилганлиги тўғрисида юк хатлари ва ПК-17 квитанцияларига қўшиб ёзадилар.

Бунинг эвазига моддий манфаатдор бўлишиб, масканда жами 4440.9 тонна хом ашё қабул қилинганлиги тўғрисида сохта маълумотлар тайёрлайдилар. Ўзлари томонидан қўшиб ёзилган 302.6 тонна пахта хом ашёсини яшириш мақсадида қайта ишлашга 4412.3 тонна хом ашё берилганлиги ва бунда 154 тонна пахта меъёрдан ортиқча сарфланганлиги, жами 302.6 тонна маҳсулотлар меъёрга нисбатан кам, шунча миқдордаги момиқ маҳсулоти кўп ишлаб чиқарилганлиги тўғрисидаги сохта маълумотларни ишлаб чиқариш топшириқномаларига киритганлар.

Содир этилган оғир жиноятни яшириш мақсадида аслида умуман ишлаб чиқарилган 302.6 тонна момиқни "Камол Чориев", "Ёш ғайрат", "Бобир Мирзо", "Салоҳиддин ота", "Гулистон МНЗ", "Сирож Қувон" "Абдували Маматмўминов", "Маматраим Бахши", "Ўроқ Бердиев" фермер хўжаликлари билан ҳар хил миқдорларда чиқим қилинганлиги ва фермер хўжаликлари қабул қилганлиги тўғрисида сохта маълумотларни тайёрлаганлар. Ушбу сохталаштирилган ҳужжатларни "Сурхонпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасига тақдим этишиб, қўшиб ёзилган хом ашё учун контрактация шартномаларига кўра давлат бюджетидан номлари юқорида тилга олинган фермер хўжаликларига 122.6 млн. сўмлик тўловлар тўланган.

Йўлдош Юсупов 2007 йил 17 сентябрь кунидан 2008 йил 2 сентябрь кунига қадар "Турон пахта" ОТҲЖ қошидаги пахта қабул қилиш маскани мудири вазифасида ишлаб келган. Шу даврда у масканнинг 2-ҳудуд товаршуноси Сафар Раҳмонов ҳамда лаборатория мудири Каромат Бердиназаров билан олдиндан жиноий тил бириктирди. Улар бир гуруҳга бирлашган ҳолда 2007 йил мавсумида фермер хўжаликларидан жами 7832.9 тонна хом ашёсини қабул қилиш жараёнида топширилаётган пахта Ўзбекистон Республикаси Стандартлаш, назорат-текшириш, метрология ва сертификатлаш марказининг 1994 йил 17 майдаги "Пахта маҳсулоти ва толаканаф маҳсулотлари сифати тўғрисида"ги Йўриқномасида кўрсатилган меъёрдан юқори намлик ва ифлосликда бўлса-да, белгиланган меъёр бўйича, деган сохта маълумотларни лаборатория хулосасига киритишган.

Шу қалбаки ҳужжатлар асосида юқори намлик ва ифлосликдаги пахта хом ашёсини қабул қилишган. Натижада хом ашёни қайта ишлашда 7.3 млн. сўмликдан зиёд маҳсулотнинг белгиланган меъёрдан кам ишлаб чиқарилишига сабабчи бўлишган. Бу эса, давлат ва жамоат манфаатларига қасддан жуда кўп моддий зарар етказилди, демакдир.

Бундан ташқари, Йўлдош Юсупов ҳамтовоғи Сафар Раҳмонов билан моддий наф кўриш мақсадида 2007 йил ҳосилни қайта ишлашда ишлаб чиқарилган жами 443.8 тонна момиқ маҳсулотни қабул қилиб олиб, шундан 88.7 тоннасини чиқим қилишган. Тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган автомашина ҳайдовчилари билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктиришиб, юк хатларида кўрсатилганидан зиёд бўлган 355 тонна момиқни ҳам ортишган. Бу маҳсулотни жамият ҳудудидан ноқонуний равишда олиб чиқишга муваффақ бўлишиб, тергов давомида аниқлаш имкони бўлмаган номаълум шахсларга сотиб юборишган. Сотувдан тушган пулларни икковлон ўзаро бўлиб олишган. Жамоат мулки дахлсиздир. Уни талон-торож қилган кимсалар айби фош этилмасдан қолмайди, албатта. Айбланувчилар томонидан ўзлаштирилган 450 млн. сўмнинг 250 млн. сўми тергов даврида, қолган қисми эса суд жараёнида тўла-тўкис ундириб олинди. Жиноят содир қилган шахсларнинг ҳар бири суд ҳукми билан қилмишларига яраша қонунда белгиланган тартибда жазоландилар.

**А.НИЯЗОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокурорининг ўринбосари**

# «ЁҒЛИ ИШ»НИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Хонадон бекаси эрталабки соат саккизларда кўча эшигининг олдини супураётган эди, "Нексия" машинаси келиб тўхтади. Ундан тушган ходимлар ҳужжатларини кўрсатиб, тадбир ўтказилаётгани ҳақида огоҳлантиришди. Холислар билан ҳовлига кириб боришди.

Қоғоз(картон) қутиларга 20 литрлик пластмасса идишлардаги ўсимлик ёғи жойлаштирилган бўлиб, уларни машинага юклашга улгуришмаган эди. Холислар иштирокида кўздан кечиришни давом эттириб, уйнинг поли остидан ҳам жуда кўп миқдорда ўшандай қоғоз қутиларни топишди. Тегишли тартибда баённома тузилди. Дастлабки суриштирувда ушбу ёғ маҳсулотларини хонадонга келтирган шахслар аниқланди. "Ташмачи"лар ва хонадон бекасига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. "Ташмачи"лар қамоққа олиниб, хонадон бекасига нисбатан тилхат орқали очиқда қолдириш эҳтиёт чораси қўлланилди.

* * *

Қият қишлоғилик Рауфжон Абдумаликов йигирма саккиз ёшга кирган, икки нафар фарзанди бор бўлса-да, муқим бир жойда ишламас эди. Дуч келган ишга ёлланиб, кун кўрадиган йигит чегара орти - Тожикистонга ўтиб ишлаганида Нуриддин билан танишди. Майда-чуйда олди-бердиларда хорижлик "ишбилармон"нинг ишончини қозонди.

Сўнгги бор кўришганларида Нуриддин "битта ёғли иш қиламиз" деди.

— "Семичка ёғи" гаплашиб қўйганман. Шу кунларда қўлга тегади. Сизлар тарафга олиб ўтиб пулласам, анчагина қолади. Сизни ҳам қуруқ қўймайман.

Ўтган йилнинг 17 ноябрида Нуриддин Рауфжоннинг қўлига телефон қилди.

— Айланма йўллардан ўн тонна "юк"ни олиб ўтиб, ўрдак фермасига тушириб қўямиз. Харидор олиб кетгунча, ишончли бир хонадонга беркитиб қўйиш керак.

Нуриддин ваъда қилган "хизмат ҳақи" Рауфжонни шоshiриб қўйди.

— Бўпти ака, қачонга гаплашай?

— Ўзим телефон қиламан.

Рауфжон Янги Бахмал қишлоғилик киракаш Валижон акани қидириб топди.

— Яна битта машинани гаплашиб, ўрдак фермасидан биронта ишончли ҳовлига семичка ёғини ташиб қўйсангиз, Нуриддин айтганингизни беради.

Бир-икки кунда "йирик луқма" ишлаб олиш имконияти Валижон акани ҳам йўлдан оздирди. У шу куниёқ ҳамқишлоғи Муяссархонни йўқлаб борди. Аёл ҳеч қаерда ишламасди.

— Пича юк бор. Ҳовлизда тура турсин. Ҳар кунига беш минг сўмдан тўлашади.

Муяссар опа "қанақа юк" деб суриштириб ҳам қўймади... Валижон ака ҳамқишлоғи Алишерни "мойли иш"га кўндирди.

21 ноябрь кундуз куни Валижон аканинг қўл телефонига тожикистонлик Нуриддин қўнғироқ қилди.

— "Юк" айтилган жойда.

Валижон ака йўл-йўлакай Алишерга телефон қилиб, машинасида фермага етиб борди. Бир оздан кейин Алишер ҳам "Жигули"сини миниб келди. Қутилардаги ёғ тўлдирилган идишларни икки киши машиналарга юклаб беришди. Уни Муяссархоннинг ҳовлисига келтириб туширишди. "Юк" кўплигидан тўрт марта қатнашга тўғри келди. Эртасига Алишер билан яна тўртта "рейс" қилиб, юкни Муяссархоннинг ҳовлисига келтиришди.

22 ноябрдан 23 ноябрга ўтар кечаси хонадонга иккита "Мерседец-Бенц" русумли машина кириб келди.

— Ёғни олиб кетарканмиз, — деди ҳайдовчилардан бири Муяссархонга.

Валижон ака бошчилигида "юк"ни машиналарга орта бошлашди. Ташқаридаги "Нексия" машинаси Валижон акани хавотирга солди. Рауфжонга телефон қилди.

Рауфжон телефонда Муяссар опанинг қўшниси, таниш йигитдан "Нексия" нимага турганини билиб беришни сўради.

"Божхона ходимларига ўхшайди" деган жавобни эшитгач, Валижон акани телефонда огоҳлантирди. Машиналарга ортаётган ҳайдовчи ва ҳаммоллар "юк"ни қайта тушириб, жуфтак ростлашни афзал билишди. Хонадонга текширувчилар киришди.

* * *

— Ёғни божхонани четлаб олиб ўтишганидан бехабар эдим, — деди судда В.Олимжонов. — Олти нафар фарзандим бор. Тирикчиликка қийналиб, шу ишга рози бўлдим. Енгиллик беринглар.

Р.Абдумаликов ҳам муҳтожлик туфайли хориждаги танишининг таклифига кўнганини, қилмишидан пушаймонлигини баён этди.

Хонадон бекаси М.Ҳайдарова эса ҳатто қоғоз қутиларда нима борлигини суриштирмаган ҳам экан. — Бу ишларнинг жиноятлигини билмабман.

Муқаддам судланмагани эътиборга олиниб, учаласига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Жиноят қуроли — В.Олимжоновга тегишли "Жигули" машинаси ҳамда 20 литрлик идишлардаги 33 миллион 505 минг сўмлик, салкам ўн тонна ўсимлик ёғи давлат фойдасига мусодара қилинди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, амалдаги қонунларга хилоф равишда, божхона кўригидан яширинча товар-моддий бойликларни олиб ўтишга уринишдай жиноий қилмишларнинг пайи доимо қирқилаверади.

**Нодиржон КОМИЛОВ,**
**Бешариқ туман прокурори**

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида босқичма босқич, кенг кўламда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, таркибий ўзгаришлар, иқтисодий-ижтимоий сиёсат алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда.

Юртимизда ушбу тизимни кенг кўламда ривожлантиришга қаратилган қонунчилик асослари яратилди. Мазкур тизимга оид 10 дан ортиқ қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг 40 дан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинган, шунингдек, кейинги беш йил ичида 300 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари яратилиб, 150 дан ортиқ ҳужжатнинг замон талаблари ва технологияларнинг ривожланишига мос келиши кўриб чиқилган. Ушбу йўналишдаги фаолият давом этмоқда.

Юртбошимизнинг "Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни янада тараққий эттириш ҳақида"ги 2002 йил 30 майдаги Фармонида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий тизимларини ривожлантириш ҳамда жорий этишга доир устувор вазифалар аниқ кўрсатилган.

Мазкур соҳа такомиллашувини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари орасида энг биринчилар қаторида 1992 йилнинг 13 январь куни қабул қилинган "Алоқа тўғрисида"ги Қонун ҳисобланади.

Шунингдек, 1999 йилнинг 20 августида "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, 2003 йилнинг 11 декабрида "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги ва "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, 2004 йилнинг 29 апрелида "Электрон ҳужжат алмашинуви тўғрисида"ги ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатда ахборот технологиялар институтининг янада жадал суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2007 йилнинг 12 июлидаги ЎРҚ-101-сонли ва шу йилнинг 18 декабридаги "Ўзбекистон Республикасининг почта тўловлари хизматлари тўғрисида"ги битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиш ҳақида"ги ЎРҚ-132-сонли, 25 декабрдаги "Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасидаги қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-137-сонли Қонунларни ҳамда 2007 йил 23 январдаги "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида"ги ПҚ-572-сонли қарорининг қабул қилиниши мамлакат миқёсида Ахборот технологияларини модернизация қилиш ва такомиллаштириш тизими янги босқичга ўтганлигини кўрсатмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни янада тараққий эттириш ҳақида"ги Фармонидан келиб чиқувчи асосий вазифаларни кўриб чиқайлик.

Улар, биринчидан, компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиётнинг аниқ тармоқларига, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳасига кенг жорий қилиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларига бемалол кириши учун шарт-шароит яратишга;

Иккинчидан, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларида замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллаш, улардан изчил фойдаланишга асосланган ўқитишнинг илғор тизимларини жорий этишга;

Учинчидан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси, жумладан, дастурий воситалар, маълумотларнинг ахборот базаларини яратиш бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш, республика, соҳа ва маҳаллий ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқишга;

Тўртинчидан, миллий ва халқаро ахборот тармоқларига юқори тезликда уланишни жорий этиш, уларга аҳоли пунктлари, қишлоқ жойларини ҳам улашни таъминлашга қаратилганлигини эътироф этиб ўтиш мумкин.

Юртбошимизнинг Фармонига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош директори ва Кенгаш раиси этиб тайинланди.

Бугунги кунда халқаро ахборот хавфсизлигининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларнинг салбий оқибатларининг олдини олиш учун, энг аввало, халқаро ҳуқуқий нормаларни билиш талаб этилади.

Масаланинг ечими ,биринчидан, халқаро ахборот хавфсизлигининг асосий муаммоси сифатида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) халқаро барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий вазифаларига зид мақсадларда фойдаланиш имкони мавжудлиги;

Иккинчидан, бу борада асосий таҳдид, душманлик руҳида, давлат даражасида ахборот-коммуникация технологияларидан сиёсий, ҳарбий мақсадларда фойдаланиш ҳамда кибермуҳитдаги жиноий ва террорчилик фаолияти ва бошқа муаммолар билан боғлиқдир.

Миллий ва халқаро хавфсизликни таъминламасдан, халқаро информацион хавфсизликни мустаҳкамламасдан ҳамда АКТ нинг ёвуз мақсадларда фойдаланиш хавф-хатарини камайтирмасдан туриб, юқорида билдирилган долзарб вазифаларни амалга оширишнинг иложи йўқ.

Бу борада, БМТ бош котибининг 2001 йил 3 октябрдаги маърузасида информацион муҳитда шахс, жамият ва давлатга таҳдид солувчи 6 та асосий хавф-хатарлар таъкидлаб ўтилган.

Ушбу таҳдидларга қуйидагилар киритилган:

Биринчидан, бошқа давлатнинг информацион муҳитига рухсатсиз кириш воситасини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш;

Иккинчидан, ўзгаларнинг маълумотидан ноқонуний фойдаланиш ва уларга зиён етказиш;

Учинчидан, бошқа давлат аҳолисига режалаштирилган информацион таъсир кўрсатиш;

Тўртинчидан, информацион муҳитда устун вазиятга эга бўлишга ҳаракат қилиш;

Бешинчидан, терроризмни қўллаб-қувватлаш;

Олтинчидан, информацион урушлар олиб бориш.

Шунингдек, Бош Ассамблеянинг 2001 йил 29 ноябрдаги 56-сессиясида қабул қилиниб, унинг 56/19-сонли резолюциясида белгиланган қарори асосида 2004 йилда халқаро информацион хавфсизлик муаммосини ўрганувчи ҳукумат экспертлари таркибида махсус гуруҳ ташкил этилган бўлиб, бу гуруҳ информацион хавфсизлик соҳасидаги таҳдидларни кўриб чиқиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолият олиб бориши белгилаб қўйилган.

Саккизлик таркибига кирувчи давлатлар раҳбарлари томонидан 2000 йил 22 июлда имзоланган "Окинавия глобал ахборот жамияти Хартияси" (Okinawa Charter on Global Information Society) ҳам дунё ҳамжамиятини хавфсиз ва жиноятдан холи бўлган кибермуҳит яратишда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни назарда тутувчи халқаро ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

"Кибержиноятчилик тўғрисида"ги Европа Кенгаши конвенцияси (Convention on cybercrime), "Ахборот жамияти қуриш принциплари ҳақида" декларация Ерропа Кенгашига аъзо давлатлар томонидан 2001 йил 23 ноябрда имзоланиб, "Кибержиноятчилик тўғрисида"ги Европа Кенгаши конвенцияси компьютер ахборотлари ва тизимлари билан боғлиқ бўлган жиноий ҳуқуқбузарликни таъқиб қилишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган ва у 2004 йил 1 июлдан кучга киритилган.

Мамлакатимизда ахборот технологиялар билан боғлиқ жиноятлар ва маъмурий жавобгарлик масалалари қайта кўриб чиқилиб, 2007 йил 25 декабрь куни ЎРҚ-137-сонли Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг янги таҳриридаги 155-1-моддасида "Компьютер тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг ушбу тизимдан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузиши компьютер ахборотининг йўқ қилиб юборилишига, тўсиб қўйилишига, модификациялаштирилишига, компьютер ускунаси ишлашининг бузилишига сабаб бўлгани учун жавобгарлик белгиланган.

Демак, ахборотларни ҳимоялаш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилиши шарт.

Энг аввало, ҳар қандай ахборотнинг келишувсиз чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, ўзгартирилиши, сохталаштирилиши, нусха кўчирилиши, тўсиқлаш бўйича рухсат этилмаган ҳаракатларнинг олдини олиш;

Иккинчидан, ахборот тизимида мавжуд бўлган шахсий маълумотларнинг махфийлигини ва конфиденциаллигини сақловчи фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда шахс, жамият, давлат хавфсизлигига бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш;

Учинчидан, давлат сирини, қонунчиликка мос ҳужжатлаштирилган ахборотнинг конфиденциаллигини сақлаш, ахборот захираси ва ахборот тизимига ҳар қандай ноқонуний аралашувлар кўринишларига йўл қўймаслик орқали бу каби жиноят турларининг олдини олиш ҳамда мавжуд шарт-шароитларни бартараф этиш муаммолари бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

**А.МАННАНОВ,**
**Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари бошлиғи ўринбосари**

## БЕРЕЗОВСКИЙГА 15 ЙИЛ СЎРАДИ



"АвтоВаз" компаниясининг 143 миллион рубли талон-тарож қилинганлиги ҳолати юзасидан судда кўрилаётган жиноят ишида давлат айбловчиси сифатида қатнашаётган прокурор Борис Березовскийнинг 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилишини талаб қилди, деб хабар қилади "Риа новости" ахборот агентлиги.

Березовскийга ҳамтовоқлик қилган Юлий Дубовни эса прокурор 9 йил қамоқ жазосига ҳукм қилишни сўраган. Шунингдек, Самара вилояти ҳукумати Березовскийга нисбатан 58 миллион рубллик фуқаролик даъвосини киритди. Ўз навбатида прокурор уларнинг даъвосини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Гап шундаки, 1994 йилда Березовский ҳамда Дубов раҳбарлик қилаётган АОЗТ "Логоваз" ҳамда "ОАЖ "АвтоВаз" ўртасида турли моделлдаги 20 минг дона "Жигули" русумли енгил автомашиналарни етказиб беришга шартнома имзоланган. Машиналар буюртмачига тўлиқ етказиб берилган, бироқ етказиб берилган маҳсулотнинг 143 миллион рубли тўлаб берилмаган. Тергов тахминига кўра, айбланувчилар ноқонуний йўл билан орттирилган мазкур маблағни "Россия жамоат телевидениеси" (ОРТ), "Москва мустақил эшиттиришлар корпорацияси", "Огонёк" таҳририяти акцияларига ва бошқа кўчмас мулкка киритганлар.

Красногорск шаҳар судидаги процесс айбланувчилар иштирокисиз ўтказилмоқда, чунки улар қидирувдалар. Суд жараёни бошланишидан аввал Березовский ўз адвокатларига унда иштирок этишни ман этди. Унинг айтишича, мазкур иш тўлиқ туҳматдан иборат. Шу боис унга давлат ҳимоячиси тайинланган.

Маълумки, аввалроқ Березовский "Аэрофлот" компаниясидан 200 миллион рублни ўзлаштирганлиги учун айбдор деб топилиб, сиртдан 6 йил қамоқ жазосига маҳкум қилинганди. Бундан ташқари Лондонда яшаётган бизнесменга нисбатан яна қатор жиноят ишлари қўзғатилган.

Қайд этиш жоизки, Березовский қочоқ мақомига эга ва Россия Федерацияси Бош прокуратурасининг экстрадиция тўғрисидаги барча талаблари Буюкбритания ҳукумати томонидан рад қилинмоқда.

## ХАЛҚҚА КЎПРОҚ БЎЛСИН ДЕБ



Нигерия дельтаси озодлиги ҳаракати жангарилари Американинг "Chevron" насос станциясини ёқиб юборишди, деб хабар қилади "AFP" ахборот агентлиги.

Маълумки, май ойида Нигерия ҳукумати Нигер дельтаси озодлиги ҳаракати жангариларига қарши кенг қамровли ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. Бунга жавобан жангарилар ўз тарафдорларини қуролланишга чақириб, ушбу ҳудудда фаолият олиб бораётган хорижий нефт компаниялардан тез орада ўз фаолиятини тугатишни талаб қилишди. Май ойининг охирида жангарилар "Chevron"нинг 5 та насос станциялари ишини издан чиқаргач, компания Нигериядаги қазилмаларда нефт қазиб чиқаришни кунига 100 минг баррелгача камайтиришга мажбур бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Нигерия дельтаси озодлиги ҳаракати Нигериянинг нефт ишлаб чиқариш соҳасида трансмиллий корпорациялар улуши камайтирилиши, нефт савдосидан тушган маблағлардан маҳаллий аҳоли заруриятига кўпроқ пул сарфланиши учун ҳаракат қилмоқда. Жангарилар бир неча бор хорижий нефт компанияларига қарашли объектларга ҳужум қилиб, уларнинг ходимларини ўлдиришган ва гаровга олишган.

## ПЕШОВАРДА ПОРТЛАШ

Покистоннинг Пешовар шаҳрида жойлашган "Rearl Continental" меҳмонхонасида содир этилган портлаш оқибатида 11 киши ҳалок бўлган, 46 таси турли даражада жароҳатланган, деб хабар қилади "AFP" ахборот агентлиги.

Покистоннинг шимоли-ғарбий вилояти полицияси бошлиғининг айтишича, жабрланганлар сони ошиши мумкин. Дастлабки маълумотларга кўра, ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганлар орасида хорижликлар ҳам бор.

Полиция тахминига кўра, террорчи портловчи мослама ўрнатилган автомашинани меҳмонхона олдида тўхтатиб, ўзи билан бирга портлатиб юборган.

Пешовар — Покистоннинг қўшни Афғонистон билан чегарадош шимоли-ғарбий вилоятининг маъмурий марказидир. Ушбу вилоятда сўнгги вақтда тез-тез ҳукумат қўшинлари ҳамда "Толибон" жангарилари ўртасида қуролли тўқнашувлар юз бериб турибди.

**Internet хабарлари асосида Тошкент юридик коллежи талабаси Шоҳруҳ АБРОРОВ тайёрлади**

## *Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Бош прокуратура жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси

**Ҳазратқул НОРҚУЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Самарқанд ҳарбий прокурорининг ўринбосари Дилмурод Ғозиевнинг падари бузруквори

**Нормурод ҒОЗИЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



*Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди (Ҳадисдан)*

# Одоб бозорда сотилмас

Мавжуд нарсаларни инсон кўзи билан кўра олмаслик, уларнинг мавжуд эмаслигига далил бўла олмайди. Иймони бут бандалар дунёни қалб кўзи билан кўрадилар ва виждон амри билан яшайдилар. Баъзи ота-оналаримиз фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлаб қўйсалар-да, маънавий бойлик — таълим-тарбия беришда оқсамоқдалар. Чунки уларнинг ўзлари дунёни моддий борлиқдан иборат деб биладилар. Бунинг оқибати эса, одамларда ҳалоллик, ростгўйлик каби фазилатлар ўрнини нопоклик, ўғрилик, порахўрлик каби жамият учун ўта зарарли иллатлар эгаллашига олиб келиши мумкин.

Автобусга "Қўйлиқ" бозори бекатида ёши олтмишлардан ошган, новчароқ киши чиқиб, рўпарамдаги бўш жойга ўтирди ва "Ўзгариш"га боради-а?" деб сўради. Овози маъюсроқ чиққани эътиборимни тортиб унга қарадим: ранги-рўйи сарғайиб, озиб кетган, юзи сўлғин. Қўлидаги целофан халтадан кичик мис чойнак, сочиққа ярми ўралган коса, пиёла ва қуруқ чой қутиси кўриниб турарди. "Ёнингда конфет ёки қурт йўқмиди, қизим" деб сўради хорғин кўзларини тикиб. Хаёлимдан ўтгани тўғри чиқди. Касалхонадан қайтаётган экан. Хижолат қилиб қўймаслик учун савол бермадим. Мен ҳам Зангиота томон кетаётгандим, бекатда бирин-кетин тушдик. Жарроҳлик операциясини бошдан ўтказганини эшитиб, енгил бўлса-да, қўлидаги юкини олдим.

Кун совуқ, эгни юпунлигини кўриб "уйингиздагилар келишини кутмабсиз-да" дедим. "Уч кундан бери кутаман, болам", — деди. — Касалхонада ётишнинг ўзи бўлмайди, озиқ-овқатга, жойга, ҳаммаси учун пул тўлаш керак".

Бекат томон борарканмиз яна уни саволга тутдим:

— Болаларингиз борми,
— Бор.
— Келишмадими?
— Йўқ...
— Йўлкирангиз борми?
— Уйгача етади.

Бу одамни касалхонадан олиб кетишга фарзандлари, қолаверса, қариндош-уруғлари ичидан бирорта одам топилмадимикан, дея ўйга толдим. Наҳотки, шу қадар оқибатсизлик? Фарзанд ўз отасини касал ҳолида ташлаб қўйса? Ёки масаланинг мен билмаган жиҳатлари бормикан? Балки, фақат фарзандлар айбдор эмасдир?..

Аслида, фарзандлар ота-она етиштирган дарахтнинг меваси. Дарахтнинг ҳосили ёмон бўлса, парвариш яхши бўлмаган ёки сабаб унинг навида, тупроғида эмасми? Агар ёшларимиз орасида бироз саркаш, баъзан ноқобил фарзандлар учраётган экан, демак, фарзанду набираларга ўрнак бўлиш масаласида оқсаётган эканмиз. Таассуфки, инсон баъзида ўзлигини унутиб, катта хатоларга йўл қўяди, кейин сабабини бошқалардан излайди. Агар фарзандининг фикр-мулоҳаза ва даъволари ота-она қарашларига мос келмас экан, кимдан домангир бўлмоқ керак: тарбиялаган боласиданми ёки ўзидан?

Баъзан жамоат транспортида ўсмир йигит-қиз ўтирган ўрнидан турмаса, айрим катталар пичинг ёки қўполлик қиладилар. Аксинча, жой беришса, бир оғиз ширин сўз айтишга оғринишади.

Автобусга Амир Темур бекатида 55-60 ёшлар атрофидаги зиёлинамо киши чиқа солиб, "илтимос!... илтимос!" дея икки талаба томон сурилди кўзларини катта-катта очиб. Унинг зардали "илтимоси"да кесатиқ оҳанглари кучли эди. Йигитлар бараварига ўрнидан туришди. Бояги одамнинг ёнига нарироқдан 45 ёшлар чамасидаги аёл келиб ўтирди ва "яхшиям сиз чиқдингиз, бўлмаса жой беришмасди" дея энсасини қотирди. Нарироқда тургани учун йигитлар аёлни кўрмаганми, бир-бирига ҳайрон кўз ташлаб қўйишди. Аёл пичинг ўрнига йигитларни дуо қилиши мумкин эди-ку! Жиллақурса, биргина "раҳмат" қандай ҳикматли сўз! Афсуски, баъзан кичикларнинг ҳафсаласини пир қиламиз, ҳурмат талаб қиламизу, иззат қилишга ҳафсала қилмаймиз. "Умрингдан барака топ, болам", "Тани-жонинг соғ бўлсин", "Омадингни берсин" дея алқаб қўйиш шунчалар қийинми?

Одам табиатида эшитганидан кўра кўрганини қилишга мойиллик кучли. Бозор ёки кўча-кўйдаги айрим беъманининг оғзидан чиқаётган қўланса сўзлар ёмон хулқ-атвор атрофдаги бир неча болага салбий таъсир этиши мумкин. Сув қайси идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби, бола ҳам қандай муҳитда ўсса, ўша муҳитнинг одат ва ахлоқини қабул қилади. Болалар яхши ва ёмон хулқни кўпроқ ўз уйидан, мактабидан, кўчадагилардан ўзлаштиради. Шундай экан, тарбия борасида рулдаги ҳайдовчидек ҳушёр бўлмоғимиз лозим.

Бузилаётган иқлим, ифлосланаётган об-ҳаво, ҳар хил кимёвий маҳсулотларни истеъмол қилиш, ноз-неъмат тақчиллиги эвазига соғлиғига путур етаётган фарзандларимизни маънавий жиҳатдан ҳам қашшоқ қилиб қўймайлик. Ҳар томонлама соғлом, иймон-эътиқодли фарзандлар ўстирайликки, keксайган чоғимизда белимизга қувват, кўзимизга нур бўла олсин! Бир-биримизда разолат, хусумат эмас, эзгулик, меҳр-оқибат кўрайлик.

Дўстона беғараз насиҳат, ўзи ўрнак бўлган ҳолда бошқаларни тарбиялаш чин инсоний бурчимиздир. Бир-биримизни ҳақ йўлга, яхшилик ва одоб-ахлоққа чақириш ҳар биримиз учун фарз. Зеро, одоб бозорда сотилмайдики, зарур бўлганда керагича харид қилинса.

**Одина ЭРГАШЕВА,**
**журналист**



# ПРОКУРАТУРА ТАШАББУСИ БИЛАН

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оммавий спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиб боришлари учун замин яратмоқда десак муболаға бўлмайди. Бугун ёшларимиз халқаро миқёсда ўтказилаётган турли мусобақаларда совринли ўринларни олиб қайтишмоқда. Албатта, барча жойларда ёшларни спортга жалб қилиш ишларини кучайтириш, улар ўртасида турли мусобақаларни мунтазам ташкиллаштириш орқали ўз ютуқларимизни янада кўпайтириш имкониятлари мавжуд.

Шу мақсадда ўтган ҳафта Бўка туман прокуратураси ташаббуси билан спортнинг футбол ва волейбол тури бўйича туман биринчилиги ўтказилди. Тегишли тартибда тасдиқланган Низомга кўра, мусобақа 4 босқичда амалга оширилди. Унда тумандаги 54 та умумтаълим мактаби ва 15-сонли "Меҳрибонлик уйи"нинг 9-синфгача бўлган ўқувчилари қатнашишди.

Мусобақанинг финал босқичи туманнинг марказий ўйингоҳида ўтказилди. Унда дастлабки босқичлар синовларидан муваффақиятли ўтган тўртта жамоа иштирок этди. Якуний босқич муросасиз кечди.

Ўқувчиларнинг ғалабага бўлган интилишлари, ўзаро ҳамжиҳатликдаги ҳаракатлари, дўстона муносабатлари мухлисларда катта таассурот қолдирди. Мусобақа ғолиблари қимматбаҳо совринлар ва туман ҳокимининг фахрий ёрлиғи каби мукофотлар билан тақдирланди.

Шунингдек, мусобақада "энг яхши дарвозабон", "энг яхши ҳимоячи", "энг яхши ярим ҳимоячи", "энг яхши ҳужумчи" йўналишларида футболчилар сараланди. Уларнинг ҳар бирига мукофот тарзида велосипед совға қилинди. Ушбу мусобақада иштирок этган ўқувчилар вақти келиб "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" ўйинларида ҳамда жаҳоннинг кўплаб мусобақаларида юқори ўринларни олишига ишонамиз.

**Ўз мухбиримиз**

# ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Адлия вазирлиги ташаббуси билан фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларидаги ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида вазирлик ходимларидан иборат тузилган ҳуқуқий тарғибот гуруҳининг тадбирлари давом этмоқда.**

Ушбу гуруҳ мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ноанъанавий тарзда, халқчил шаклда ёшлар онгига сингдиришни ўз олдига мақсад қилиб олган эди.

Мазкур тадбирларнинг навбатдагиси Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри ва Беруний туманларида ҳамда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳри, Хива ҳамда Хонқа туманларидаги ёшлар иштирокида ўтказилди. Унда салкам 3 мингта яқин лицей ва коллеж талабалари иштирок этишди.

Давра суҳбатларини юқори савияда ташкил этишда ҳамда ёшлар талабларидан келиб чиқиб интерактив усулларидан фойдаланишда вилоятлардаги мутасадди идоралар, хусусан, туман ва шаҳар ҳокимликлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари яқиндан ёрдам бераётганлигини эътироф этиш лозим.

Тадбирлар давомида, айниқса, Нукус ва Урганч шаҳаридаги ёшларнинг ҳуқуқий билимлари нечоғлик юқори даражада эканлиги гуруҳ аъзоларининг навбатдаги чиқишларини янада такомиллаштиришга ундади. Дарҳақиқат мазкур тадбирларнинг асосий мақсади ҳам, мамлакатимиздаги мактаб, лицей, коллеж ўқувчи-талабаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси борасидаги билимларини янада мустаҳкамлаш ва бошқа қонун ҳужжатларига ёшларда ҳурмат билан қараш туйғуларини тарбиялаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, шунингдек уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдан иборатдир.

Таклиф ва истаклардан келиб чиқиб, бу галги учрашувларда асосан, мамлакат раҳбарининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари", "Юксак маънавият-енгилмас куч" асарларининг аҳамияти, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси каби муҳим мавзулар юзасидан баҳс-мунозаралар ўтказилди.

Ёшлар томонидан асосан Одам савдоси, Давлат бошқаруви тизими, яқинлашаётган Олий Мажлисга сайловлар, 2008 йилда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ва бу борада миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар юзасидан берилган саволларга тайёрланган махсус электрон шаклдаги тақдимотлар асосида батафсил жавоблар қайтарилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятларининг туман ва шаҳарларида бўлиб ўтган тадбирлар давомида мактаб, лицей ва коллежларнинг ҳуқуқ-тарих йўналишидаги ўқитувчиларини қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада жойлардаги адлия бошқармалари томонидан чуқур таҳлиллар ўтказишга келишиб олинди. Бундан ташқари жойлардаги Нотариуслар, ФҲДЁ мудиралари ва адвокатларни дарс жараёнларга жалб қилиш ва ҳуқуқий билимдонларни доимий рағбатлантиришни йўлга қўйиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Тадбирлар давомида ҳар доимгидек ҳуқуқ билимдонлари аниқланиб, уларга Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармасининг буклетлари ҳамда турли ҳуқуқий адабиётлар тарқатилди.

Тарғибот гуруҳининг навбатдаги учрашувлари Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг олис қишлоқларида ташкил этиладиган бўлди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г—555. 23 841 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV
Navbatchi: O.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 22.30 3456789